

Одамохунлик мўминга хос сифат

05:00 / 03.03.2017 3581

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Мўмин (одамлар билан) эл бўладиган кишидир. Киришиб кета олмайдиган ва эл бўлмайдиган одамда яхшилик йўқ” (Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий, Табароний ва Баззор ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Ушбу ривоятда мусулмон бандалар ён-атрофдагилар билан самимий муомала қилиш ва мурса йўлини танлашга тарғиб қилинмоқда. Бунинг учун банда Аллоҳдан доим яхшилик тилаши, қалбини пок сақлаб, одамлардан яхши гумон қилиши талаб этилади. Одатда бундай одам камтар, хушмуомала ва ақлли бўлади. У ҳамма билан тил топишиб кета олади. Бундай инсон кишилар томонидан “одамшинаванда”, “одамохун”, “очиққўнгил”, дея яхши сифатлар билан эсланади.

Ривоятда айтилган сифат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламда мужассам эди. У зот олийжаноб, қалби кенг, жавонмард, очиққўнгил, хушмуомала, бир сўз билан айтганда, ҳамма ҳавас қиладиган инсон эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бир марта суҳбатлашган одам у зот билан яна ва яна суҳбатлашиш илинжида бўларди.

Юқоридаги ҳадисга амал қилиш орқали банда бошқалар билан тил топишиб кетадиган, киришимли, дўстлик ва яхшилик қадрига етадиган инсонга айланади. Унда кибр, димоғдорлик, ўзини ҳаммадан билагон ва катта тутиш иллатлари секин-аста барҳам топади. Энг муҳими, у биродарларининг камчиликларидан ҳадеб нолийвермайди. Уларда баъзи хато-камчиликларни кўрса, уни яширади. Албатта, тузатилиши лозим бўлган, динимизга зарари тегадиган нуқсонлар бундан мустасно. Шу ўринда биродарининг хатосини ёлғиз ўзига айтиб, уни тузатиш лозимлиги, кўпчилик орасида кишилар айбини айтмаслик кераклиги динимиз талаби эканини унутмаслик лозим.

Баъзи одамлар жамоат орасига кирганда, одамлар билан қандай муомала қилишни билмагани боис кўпчилик билан тил топишиб кетолмайди. Устига-устак бунда у ўзини эмас, бошқаларни айбдор деб билади. Жамоат билан

чиқиша олмаслигига ўзининг билафонлиги ва одамларнинг ҳеч нарсани тушунмаслигини сабаб қилади. Бундай ношуд кимсанинг гапига одамлар унамасалар, у ўзининг хато-камчиликлари ҳақида ўйлаб кўрмайди-да, ўзидан бошқа барчани айблашга тушади. Бундай кимса зарда билан кимдандир хафа бўлган ҳолда гапирди. Бу ҳолатнинг асл сабаби кибр ва ўз нафсидан мағрурланишдир. Кибри осмонда ва нафсига бино қўйганлар оддий ва содда нарсаларни қабул қилмайди. Кишилар билан чиқишиб кета олмасликнинг сабабларидан бири ҳам шу.

Қуйидаги ҳадисда юқоридаги ривоятда айтилганлар яна бир бор таъкидланиши билан бир қаторда мўмин бандага хос энг муҳим сифат зикр қилинади.

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Мўминларнинг имони энг комили ахлоқи чиройли бўлгани ва юмшоқ табиатлигидир. Улар (одамлар билан) чиқишиб кета оладилар ва дўст тутинадилар. Одамлар билан чиқиша олмайдиган ва эл бўлмайдиганларда яхшилик йўқ” (Табароний ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Бу ривоятда ҳам одамохунлик, юмшоқ табиатли бўлиш, каттами, кичикми одамлар билан бирдек яхши муомала қилиш мўминга хос сифат экани, имони комил мўмин мазкур хислат эгаси бўлиши лозимлиги таъкидланмоқда.

Одамлар билан чиқишиб кетолмасликнинг сабабларидан бири ўзини ўйлашдир. Худбин киши ҳеч кимга дўст бўлмайди. Унинг “дўстлиги” вақтинча бўлиб, у ўткинчи манфаат устига қурилган бўлади. Манфаатлари тугаганда унинг “дўстлиги” ҳам поёнига етади. У атрофдагиларга паст назар, шубҳа кўзи билан қарайди. Бундай одам фақат ўзига ўхшаган худбин ва димоғдорлар билан тил топишиб кетиши мумкин. Бундай кимсалар ёмонлик йўлида ҳамкорлик қиладилар, ўз фикр ва қарашларини бошқаларга ҳам сингдирмоқчи, ўзгаларни ҳам ўзларига ўхшатмоқчи бўладилар. Аммо эзгулик ва яхшилик қабихлик ва разолат устидан доим ёлиб чиқади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, одамлар билан яхши муомала қилиш, улар билан чиқишиб кетиш, одамохунлик, дўстлик қадрини билиш Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва чин мўминлик

белгисидир. Совуқ табиатлилик, худбинлик, димоғдорлик ва ёввойилик ҳайвонларга хос сифатдир. Одамларга қўшилмаслик, улардан ёмон гумон қилиш, ўзини кўпчиликдан устун қўйиш, ҳеч кимга манфаат етказишни ўйламай, туну кун фақат ўзи ҳақида қайғуриш мўмин бандага ёт сифатлардан эканини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак.

Одилхон Юнусхон